

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2017 йил
8 апрель

ШАНБА

№ 29 (12977)

www.thtp.uz

Вилоят ҳокимлигида

Жорий йилнинг 28-29 март кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Ялпи мажлис давомида 21 та масала, жумладан, суд-ҳуқуқ тизимини изчил ислоҳ қилиш, фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, бозор ислохотларини янада чуқурлаштиришга йўналтирилган 9 та қонун кўриб чиқилди. Ҳеч шубҳасиз, уларни ҳаётга татбиқ этиш аҳолининг турмуш даражасини янада ошириш, мамлакатда барқарорлик ва фаровонлиқни кучайтиришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

ҚОНУНЧИЛИК ТАРҒИБОТИ ВА МАСЪУЛИЯТ

Кеча вилоят маркази – Тўйтепа шаҳрида ялпи мажлисда кўриб чиқилган қонун ва қарорлар мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш, улардан жамоатчиликни атрофлича хабардор қилишга бағишланган семинар бўлиб ўтди. Сим орқали мулоқот тарзида ташкил этилган анжуманда Олий Мажлис Сенати аъзолари, маҳаллий кенгашлар депутатлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари мутасаддилари, бошқарма ва муассасалар раҳбарлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, таълим муассасалари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Семинарни вилоят ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Шукурullo Бобоев олиб борди.

Анжуманда сўз олган Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Фаррух Дадахўжаев Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида Парламент нуфузини юксалтириш, жамиятнинг барча жабҳаларида жамоатчилик назоратини мустаҳкамлаш, хусусан, бу жараёнда Парламент вакилларининг ўрни ва фаоллигини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатлар ўзининг муайян самараларини бераётганини таъкидлади.

Қайд этилганидек, семинарнинг мунозара қисмида сенатор ва депутатлар кўрилган масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишди ва ҳудудий студиялардан тушган саволларга батафсил жавоб қайтаришди.

Алишер РАҲМАТОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

ҚАЙТА ИШЛАНГАННИ – КОННИ ФОЙДА

Вилоятимизда кўп тармоқли фермер хўжаликлари кўпайтиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар самараси ўларок, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари қайта ишлашга ихтисослашган турли мулк шаклидаги корхоналар сезиларли даражада кўпайди.

Тадбиркорлик

Шундай корхоналардан бири бўлган Бўстонлик туманидаги "Бўстонлик сут" масъулияти чекланган жамиятида ўн турдан ортиқ сут ва сут маҳсулотлари, жумладан, қатик, творог, қаймоқ, йогурт тайёрланадиган.

Маҳсулотларимиз Тошкент шаҳри ва вилоятимиздаги савдо дўконларида сотилмоқда, дейди "Бўстонлик сут" масъулияти чекланган жамияти директори Жамшид Розиков.

Аҳолига табиий тоза, сифатли ва нисбатан арзон маҳсулотлар етказиб бераётганимиздан мамнунмиз.

Тадбиркорларнинг иш сифати ва самарадорлигини янада оширишда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 5 октябрда қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъмин-



Мансур ҲИММАТОВ олган сурат.

лашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Кўнига ўртача икки ярим-уч тонна сут қайта ишланаётган "Бўстонлик сут"да 40 нафарга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилаётир. Улар орасида ўз

ўрнини топган Нурлан Исмоилов коллежда таҳсил олган ёшлардан. У қисқа вақт ичида иш сир-синоатларини пухта ўрганиб олди.

Бу ерда ишлаш менга ҳар жихатдан маъқул, дейди Нурлан. Уйимизга яқин шу корхонадаги фаолиятим орқали юртимиз равақига оз бўлса-да ҳисса қўшаётганимдан, донимий даромадга эга бўлаётган

нимдан хурсандман.

Айни кунда ушбу жамият мутасаддилари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, маҳсулот турини янада кўпайтириш чораларини кўришмоқда. Айтишларича, бу ишларнинг амалга ошиши билан яна бир қанча янги иш ўринлари яратилади.

Холмурод САЛИМОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

ҒАЛЛА ПАРВАРИШИДА ДОЛЗАРБ ПАЛЛА

Деҳқончиликда йилдан йилнинг фарқи бўлиши табиий. Хусусан, бу йил баҳорнинг салқин, серёгин бўлаётгани бошқоқли дон ривожини сусайтирмоқда, ғаллазорларда замбуруғли касалликларнинг авж олиши учун қулай шароит яратмоқда. Мазкур ҳолат ғаллакор фермер хўжаликларида ишга янада жиддий ёндашиш, минерал ва органик ўғит, сувдан самарали фойдаланиш, беғона ўт, турли касаллик ҳамда зараркунанда-ларга қарши илмий ҳулосаларга асосланиб курашишни талаб этмоқда.

Бугуннинг гапи

Юқорида таъкидланганидек, кечроқ муддатда экилган кузги бугдойнинг ривожини ва туллашиш ўтган йилларга нисбатан сезиларли даражада паст. Масалан, кўп йиллик маълумотларга кўра, апрель ойи ўрталарида асосий майдонлардаги кузги бугдойнинг бўйи ўртача 40-44 сантиметрга етган. Бу йил эса ривожла-

ниш 15-20 кунга кечикмоқда.

Маълумки, апрель ойида асосий майдонларда кузги бугдойнинг найчалаш жараёни давом этади. Тупроқдаги намлик ва озиқа моддалар микдори етарли бўлганда тез ёки етарли бўлмаганда жуда секин ўтади. Биологик ҳолатда поянинг ўсиши бошқоқли дон экинларининг гуллаш давригача, айрим ҳолларда эса доннинг шаклланишигача давом этиши

мумкин. Бу даврда дала-ларда тупроқнинг намлиги 70-75 фоиздан кам бўлмаслиги керак. Шунда найчалаш даври самарали бўлиб, ҳар бир маҳсулдор поя тез ва ўз вақтида найчалай бошлайди. Шунинг учун айни кунларда бир қатор қўшимча тадбирларни амалга ошириш зарурати пайдо бўлди. Хусусан, бу йилги шароитда ғалладан мўл ҳосил олиш учун илмий тажрибалар ва амалиётдан келиб чиққан ҳолда, деҳқонларимизга бугунги кунда қуйидаги ишларни амалга ошириш тавсия этилади.

Давоми 2-бетда. ➡

САДОҚАТ САБОФИНИ ОЛГАН ЙИГИТЛАР

Ватан олдидаги йигитлик бурчини шараф билан адо этган вилоятимиз ёшлари оилали бағрига қайтмоқда. Ҳаётий тажрибаси ошган, эл-юрт ривожига муносиб ҳисса қўлиш нияти кўртак ёзган бу йигитларнинг Ватан олдидаги зиммалари янги соҳаларда давом этади. Зеро, улар жамиятнинг турли тармоқларида ўз қизқишлари доирасидаги касблар бўйича ишга жойлашадилар. Уларнинг бандлигини таъминлаш эса бугунги куннинг долзарб масаласидир.

Бандлик

Вилоят маркази – Тўйтепа шаҳрида ҳарбий хизматдан қайтган ёшлар иштирокида ўтган шундай шул ҳақида сўз борди.

Анжуманда вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари вакиллари, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича мажмуаси ходимлари, мудофаа ишлари бўлими бош-ликлари, марказий банк вилоят бош-қармаси масъуллари иштирок этди.

Дастлаб, вилоят ҳокими Шукурullo Бобоев сўзга чиқиб, ҳарбий хизматни ўтаб келган йигитларнинг бандлигини таъминлаш ва бу масалага кенг жамоатчиликни жалб қилиш зарурлиги хусусида фикр билдирди.

Вилоят ҳудудларида фаолият кўрсатаётган корхона, ташкилот ва

муассасаларда жами 15 минг 47 та бўш иш ўринлари мавжуд, дейди вилоят Меҳнат бозорлари бўлими бош-лиги Фатриддин Суёнов. Меҳнат бозоридagi вазиятни инобатга олган ҳолда ёшларимиз ўзларига маъқул бўлган соҳаларга ишга киришлари мумкин.

Айни пайтда ҳарбий хизматдан қайтган ёшларнинг 1 минг 349 нафарининг бандлиги таъминланиб, шулардан 530 нафари ҳудудлардаги мавжуд бўш иш

ўринларига ишга жойлаштирилган. 477 нафари ҳарбий хизматдан олган имтиёзлари бўйича олий ўқув юртиларига кириш истагини билдирган. Февраль ойида Сурхондарё вилоятининг Денов туманида ҳарбий хизматни ўтаган янгийўллик Шерзод Мамажонов ҳам тумандаги 42-умумтаълим мактабига тўғра-рак раҳбари бўлиб ишга кирди. Ҳарбий хизматни намунали ҳулқ билан ўқит-лаган Шерзод бу йил ўзи танлаган олий ўқув юртига ҳужжат топширишни режалаштирган.

Тадбир қизгин савол-жавоблар тар-зида ўтиб, ёшлар турли масалалар бўйича зарур маълумотларга эга бўлди.

Абдулазиз МУСАЕВ,

"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Мансур ҲИММАТОВ олган суратлар.



9 апрель – Амир Темур таваллуди кун

ЮЛДУЗЛАР ТЎҚНАШГАН ТҮН

"Илми нукунда икки шарофатли сайёра – Зуҳал ва Муштарийнинг бир-бирига яқинлашуви дав-рида, яъни бахт-саодат аломати деб ҳисобланув-чи "қирон буржи" остида туғилган шарофатли инсон Соҳибқирон аталади.

Яратганнинг иродаси билан юлдузлар ҳарака-тидаги бу ҳолат ҳар саккиз юз йилда бир келур. "Қирон буржи" остида туғилганларнинг учинчиси Амир Темурдир".

Амир Темур шахси хусусида сўз кетганда, ҳаё-лимдан мана шу маълумот лип этиб ўтаверади... Таажжубки, у зотнинг феъл-табиати, шахсияти бо-расидаги фикрлар, қарашлар, тадқиқотлар икки юлдуз сингари тўқнашавради. Мана, неча аср-дирик, дунё илм аҳли Соҳибқирон ҳодисаси ҳақида бир тўхтамаг келолган эмас. Буюклигини англаганимиз сари мураккаб шахс эканига ҳам амин бўлиб бораверамиз.

Соҳибқирон бобомизга замондош бўлган араб тарихчиси Ибн Арабшоҳнинг таърифида кўра, бо-бокалонимиз тенги йўқ феъл-атворли, теран му-лоҳазали, вазмин бўлган. "У ҳазил-мазаҳ, ёлғонни ёқтирмас, ўйин-кулгию кўнгилхушликка майлисиз, гарчи сўзидан озор етса ҳам, садоқат қилганлар-ни ёқтирарди; у бўлиб ўтган ишга азият чекмас ва ўзига ҳосил бўладиган ютуқдан шодланмас эди... Кўпинча унинг мажлисида уятсиз сўзлар, қон тўкиш, асир олиш, нақбу гора қилиш ва ҳақорат гаплар бўлмасди. У бехато (нишонга ургувчи) фикрли, фаросатли, мислсиз даражада бахтли, улугворли-ги ўзига мувофиқ, қатъий азм билан сўзловчи, бо-шига қулфат тушганда ҳам ҳақгўй киши эди...", деб ёзади.

Давоми 4-бетда. ➡

Изҳор

Шу кунларда "Тўқсон уч баҳорингизни нишонлаймиз", деб югу-риб юрган ўғил-қиз, нева-чева-раларимнинг меҳр-окибати кўзим-га нур, кўнглимга сурур бағишла-гандек. Аммо, ўғлим Жамолиддин-нинг хушхабарни кўксимни тоғдек кўтариб, қалбимни қуёшдек ёри-тиб юборди. Боиси, газетадан давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлан-тириш тўғрисида"ги Фармонини тантанавор тарзда ўқиётган ўғлимнинг юзи-кўзида фахр-ифти-хор туйғулари зоҳир эди...

ЭЪТИБОРДАН ЧЕКСИЗ МАМНУНМИЗ

Кўларимдан оққан қувонч ёшлари-ни тўхтатолмайман, денг. Бу биз каби уруш фахрийларига кўрсатилган юк-сак эътибор, улуг инсонийликнинг на-мунасидир.

Бугунгидек тинч-осуда, фаровон ҳаётимиз ўша машум уруш йилла-рида ушалмайдиган орзу, бир армон эди... Шафқатсиз жангу жадал, тала-тўпларда қанча-қанча беғуноҳ одам-ларнинг ёстиги қуримди, дейсиз. У кунларни биз кўрдик, авлодларимиз кўрмасин! Шунинг учун мен доим "Энг улуг, энг азиз неъмат бўлган тинчли-гимизни қадрига етинг, шуқроналик билан яшанг", дейман фарзандларим-га.

Дунёнинг айрим ҳудудларида рўй бераётган хунрезликлардан одамнинг бошидан ҳуши учди! Шундай ва-зиятда тинчликни асрай олиш осон эмас!..

"Кексаларнинг дуоси мўл, кўпнинг тилаги кўл" дейишди. Тилагим шуки, кундан-кунга ривожланиб, халқаро майдонда муносиб обрў-эътибор қозонаётган обод Ватанимизга, осой-ишта ҳаёт, фаровон турмуш кечира-ётган халқимизга ҳавас қилаётганлар муродида етсин! Халқимиз бахту-са-одати йўлида туну кун меҳнат қилаёт-ган Юртбошимиз омон бўлсин!

Боймат ЭРҒАШЕВ,
Оҳангарон тумани,
Сусам қишлоғи.

□ Агар огоҳ сен...

Тўйтепа шаҳрида ўтказилган маърифий анжуманда ақдлараст-лик ва миссионерликка қарши ку-раш, конфессиялар, миллатлараро ҳамкорлик ҳамда бағрикенгликни таъминлаш борасидаги ишлар са-мараси ва таъсирчанлигини оши-риш мавзусида сўз борди.

ҲАМЖИҲАТЛИКНИНГ ТАЪСИРЧАН КУЧИ

Тадбир иштирокчилари мазкур йўна-лишда вилоят ҳокими томонидан 2017 йил 15 февралда тасдиқланган чора-тад-бирлар дастурига мувофиқ, ҳайларда олиб борилаётган ишларнинг сифати ва самарадорлиги, жамоат ташкилотлари ўртасидаги ижтимоий шериклик муно-сабатларининг аҳолини атрофича таҳ-лил қилди.

Бу борадаги ишлар юзасидан вило-ят халқ таълими, ўрта махсус касб-хунар таълими, маданият ишлари бошқарма-лари, "Қамолат" ёшлар ижтимоий хара-кати, "Тасвирий ойна" ижодий уюш-маси, Маънавият тарғибот марказининг ҳудудий бўлиmlари, Мусулмонлар идо-раси вилоят вакиллиги мутасаддилари-нинг ахборотлари тингланди.

Йиғилишда маънавий-маърифий йўналишдаги тарғибот-ташвиқот иш-лари янада мақбуллаштириш, аҳоли, ху-сусан, ёшлар қалбига йўл топишинг таъсирчан механизмларидан кенг фой-даланишда вилоятдаги давлат ва жа-моат ташкилотлари ҳамкорлигини ку-чайтириш, қуруқ ҳисоботларни эмас, амалий ишларни жонлантириш бўйича зарур тақлиф ва тавсиялар берилди.

Тадбирда вилоят ҳокимининг ўринбо-сари Алимардон Қаршиев сўзга чиқди.

Ўз мухбиримиз.

КУН ТАРТИБИДА – ДАВОМАТ

Яқинда телевидение орқали намоиш этилган "Саодат" сериали томошабинларни қизиқтириб қўйгани рост. Сабаби, унда бугуннинг гапи, дол-зарб мавзуси – ёшлар тарбияси, айниқса, коллеж ўқувчилари давомати масаласига алоҳида эътибор қаратилган...

□ Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

Зеро, мамлакатимиз раҳба-ри Шавкат Мирзиёев таъкид-лаганидек, ёшларимизнинг жисмоний, ақлий ва маънавий қобилиятлари ривожланиб, мужассамланса, буюк давлат-ни барпо этишдек эзгу мақ-сад рўёбига йўл очилади. Маълумки, бу мужассамлик аввал оилада, маҳаллада ва таълим муассасасида шакл-ланади. Шунинг учун ҳам ушбу масканлардаги ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш, аниқланган муаммолар ечим-ни топиш масаласи ҳозирги давр талаби, жамоатчилик-

нинг асосий вазифасидир.

Олмалиқ шаҳрида вилоят хотин-қизлар кўмитаси та-шаббуси билан "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, ҳуқуқ-тартибот идоралари, проку-ратура, ички ишлар бош-қармаси ҳамкорлигида ўтқа-зилган танқидий-таҳлилий йиғилиш шу мақсадга йўнал-тирилди. Тадбирга ота-она-лар, маҳаллалар фаоллари, мактаб, коллеж, лицейлар-нинг ўқитувчи ва ўқувчилари тақлиф этилди.


Ҳақиқатан ҳам, фарзанд тарбиясига эътиборсиз ота-

оналар, ёшларнинг юриш-тури-шига бефарқ маҳалладошлар, ўқувчилари давомати таъмин-лай олмайдиган айрим ўқитув-чилар йўқ эмас ораимизда.

Йиғилишда шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди, муаммолар муҳофама қилинди, ўқувчилар давоматини таъ-минлашда сусткашликка йўл қўйган ўқитувчиларнинг ҳисо-боти, фикр-мулоҳазалари тингланди. Бу масалага дахл-дор ҳар бир ташкилот, жа-моатчилик аъзоларининг масъулияти, жавобгарлиги оширилиши лозимлиги ало-ҳида таъкидланди.

Йиғилишда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Сайёра Файзиева сўзга чиқди.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.
Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган суратлар.



2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

Давлатимиз раҳбарининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш-га доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фар-мони ижроси доирасида ташкил этилган Халқ қабулхоналари "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қили-ши керак" деган тамойил асосида фаолият юритаётгани билан қисқа вақт ичида фуқароларнинг ишончини қозониб улгурди. Бу-нинг асосий сабаби муносабатларда баён эти-лаётган камчилик ва нуқсонлар, кўпдан бери ечимини қўтиб келаётган муаммолар қисқа фурсатда ва ҳолис кўриб чиқилиб, қонуний ҳал этилмоқда.

ИШОНЧ ҚОЗОНИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

Вилоят Халқ қабул-хонаси ташкил этил-гандан буён фуқаро-лардан жами 344 та муносабат тушди. Улар-нинг асосий қисми (75 таси) муқим иш ўрни ва уй-жой билан таъ-минлаш, пенсия ва на-фақаларни (28 та) тўғри ҳисоблаш, соғ-лиқни сақлаш тизими (25 та), газ, электр, сув таъминоти ва комму-нал тўловлар (25 та), банк фаолияти, хусу-сан, кредит ажратиш (19 та), шунингдек, ички ишлар бўлими, судлар ва прокуратура фаолиятига оид муно-сабатлариди. 147 та му-носабат тез ва ижобий ҳал этиш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларига юборил-ди. 119 та муносабат юзасидан тушунтириш-лар берилди. 66 таси қаноатлантирилди.

Кўтарилган муам-моларнинг сабаблари ўрганилиб, тегишли давлат ва хўжалик бош-қарув органлари раҳ-барларига етказилган муносабатлар қонуний ечим топмоқда. Жумла-дан, Зангиота тумани-даги "VIVIRON INVEST" масъулияти чекланган жамияти туман ҳоким-лигига ер ажратиш қонун-қоидаларига му-вофиқ хужжатларни тақдим этган эди. Би-роқ, бу иш вилоят Халқ қабулхонасининг қону-ний талабидан сўнггина ҳал этилди.

Шунингдек, янгийўл-лик К. Нормирзаев қа-булхонамизга муно-сабат қилганидан ке-

йин, унга фермер хў-жалиги ташкил этиш учун ер ажратиш бе-рилди. Вилоят "Исси-қлик манбаи" ишлаб чи-қариш корхонасининг Эшонгузар бўлинимаси ходимлари иш ҳақла-рини вақтида ололма-ётганлари ҳақида му-носабат қилишган эди. Халқ қабулхонаси бу ишга қонуний арала-шиб, аризачиларнинг 3 миллион 956 минг сўм маошларини унди-риб берди.

Қабулхонага оғзаки муносабатлар ҳам бў-ляпти. Масалан, фу-қаро Илхом Холбоев пластик картончасида-ги пулини конвертация қилиб, контракт пули-ни тўлаб беришга амал-лий ёрдам сўраган эди. Мазкур муносабат вилоят "Микрокредит банк"и орқали қаноат-лантирилди. Бурхон Мухторовнинг оғзаки муносабати ҳам вақти-да ҳал этилиб, вилоят дин ишлари бўлими орқали Хаж сафарига бориш учун рўйхатга олинди, харажат пули тўланди.

Мухтасар айтганда, қабулхонамизга туша-ётган барча муносабат-ларни "Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари тўғриси-да"ги Қонунига қатъ-ий амал қилган ҳолда тўлиқ, ҳолис ва ўз вақ-тида кўриб чиқиш ва ҳал этиш таъминлан-моқда.

Ҳақимжон АЮБОВ,
вилоят Халқ қабулхонаси етакчи мутахассиси.

ЖАМОАТЧИЛИК ГУРУҲЛАРИ ИШ БОШЛАДИ

Ўрта Чирчиқ туманида "Маҳалла ва оилалар-даги ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш ва аниқланган муаммоларни ҳал этишда жамоат-чилик назоратини амалга ошириш механизми" мавзусида семинар бўлиб ўтди.

□ Семинар

Вилоят хотин-қизлар кўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамда қатор ташкилот-лар ҳамкорлигида ўтқа-зилган тадбирда Пре-зидентимизнинг "Ма-ҳалла институтини яна-да такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғ-рисида"ги Фармонида белгиланган вазифалар ижроси хусусида сўз борди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органла-ри фаолияти самара-дорлигини ошириш, ма-ҳалла институтини аҳо-лига энг яқин ва халқчил тузилмага айлантириш, фуқаролар йиғинлари-нинг муштарак манфа-атларини ифода этади-ган уюшмага бирлашиш ҳуқуқларини рўёбга чи-қариш, уларнинг мод-дий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ўза-

ро ҳамкорлигини янада ривожлантириш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири-дир.

Шундан келиб чиққан ҳолда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомил-лаштириш, ўқувчилар-нинг давоматини яхши-лаш, аҳолининг, айниқ-са, коллеж битирувчи-лари ва ёшларнинг бан-длигини таъминлаш, уларнинг бўш вақтлари-ни самарали ташкил этишнинг аҳолига оид муаммоларни ўз вақти-да бартараф этиш каби вазифалари ижросини

таъминлаш мақсадида ҳар бир туман ва ша-ҳарда жамоатчилик на-зорати гуруҳлари таш-кил этилди.

Жамоатчилик назорат-ини ўтказишдан кўзланган мақсад умум-таълим мактаблари, мактабгача таълим му-ассасалари, коллеж, КВП, кутубхона сингари ижтимоий соҳа объект-лари фаолиятини ўрга-ниш ва аҳоли билан мулоқот ўтказиб, улар-ни қийнаётган муаммо-ларни аниқлашдан иборат.

Йиғилишда жамоат-чилик назорати гуруҳ-лари ҳудудлардаги мав-жуд вазиятнинг бугунги ҳолатини ўрганиб, аниқ-ланган камчиликларни бартараф этиш юзаси-дан чора-тадбирлар ре-жасини ишлаб чиқиши ва вилоят кенгашига тақдим этиши таъкид-ланди.

Тадбирда вилоят ҳо-кимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси С. Файзиева иш-тирок этди.

Фарҳод ТОЛИПОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

Биринчидан, сув билан яхши таъминланган майдонларда ҳар гектар ерга ўртача (физик ҳолда) 100-150 килограмм азот-ли ўғит ва кетма-кет 1000-1100 куб метр сув сарфлаб сугориш яхши самара беради. Айрим-лар: "Ўзи кетма-кет ёғин бў-либ, намлиқ ортиб кетди-ку", дейиши мумкин. Шуну унутмас-лик керакки, деҳқончиликда ёғир сувлари сўғоришнинг ўрнини босолмайди.

Иккинчидан, ривождан ор-қада қолаётган галлани шар-бат усулида сугориш керак. Бунда ҳар гектар майдонга камида 5 тоннадан чириган гўнг солиб, бир текис шарбат оқизиш мақсадга мувофиқ.

Учинчидан, ўсимлик илдизи орқали оладиган озикларнинг маълум бир қисми, хусусан, аммиак ҳаводан, ёғир сувла-рида эриган тузлар эса барги орқали келишини эътиборга олиб, кузги бугдойни барг орқали қўшимча озиклантириш зарур. Маълумки, аксарият минерал моддалар энг кучсиз эритма ҳолида қўлланилганда ҳам ўсимлик баргини қуйдири-ши мумкин. Шунинг учун бу

агротехник тадбирда эҳтиёт-корлик талаб этилади. Соҳа мутахассислари бу йилги ша-роитда ниҳолларни биринчи марта барг орқали озикланти-ришда гектарига 8-12 кило-граммдан карбонид эритмаси билан бирга, гектарига 3 литр

дахлани қўллаш ҳам яхши на-тижа беради.

Бу йилги шароитда галла-зорларда маҳаллий стимуля-торлар суспензиясини кенг қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун кузги бугдойнинг туپлаш ва найчалаш даврида

маҳаллий стимулятор-лардан гектарига 12 миллилитр ҳисобида "Унум 10", 0,3 литр "Гу-мимакс", 0,2-0,3 литр "Узгуми", 40 милли-литр "Альбит" ва бош-қа шу тоифадаги сус-пензиялар ўртача 300 литр сувга аралаштириб сепилса, экиннинг ривожланиш даври 5-7 кунга тезлашади, ҳосилдор-лик 6-8 центнергача, дондаги клейковина ва оксил моддала-ри 1-2 фоизгача ортади. Шу-ниси муҳимки, бир гектар ерга 3-5 минг сўмлик маҳаллий сти-мулятор сарфланади, ҳолис,

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг тақлифига биноан 4-5 апрель кунлари давлат таширифи билан ушбу мамлакатда бўлди.

Ташириф асносида 16 миллиард долларлик 50 дан ортиқ ҳужжат имзоланди. Бу Ўзбекистон ва Россия ҳамкорлиги юксак даражада ривожланаётганининг ёрқин ифодасидир.

Ушбу тарихий воқеада қатнашган вазирлик, идора ва компаниялар раҳбарлари ЎЗА мухбирига мазкур ҳужжатларнинг аҳамияти ҳақида сўзлаб берди.

ТАШИРИФ ДАВОМИДА 16 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРЛИК ШАРТНОМАЛАР ИМЗОЛАНДИ

Алишер
ШОДМОНОВ,
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни сақлаш
вазирлиги

– Давлатимиз раҳба-ри ташаббуси билан мамлакатимизда соғлиқ-ни сақлаш соҳасида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Замоновий тиббиёт ютуқларидан фойдала-ниш, тиббий хизмат кўрсатиш тизимини та-комиллаштириш бораси-да бир қанча ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Россия Федерациясига давлат таширифи даво-мида соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам бир қанча истиқболли келишувлар-га эришилди. Ўзбекист-он Соғлиқни сақлаш ва-зирлиги билан Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўрта-сида икки мамлакат етак-чи тиббий ва илмий-тад-қиқот марказларининг ўзаро алоқаларни кен-гайтириш, мутахассис-лар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш дастурларини амалга ошириш, тажри-ба алмашиш, шунингдек, Ўзбекистонда Россия-нинг етакчи тиббий мар-казлари, филиаллари, ва ваколатоналарини очиб бўйича 13 шартнома им-золанди.

Шартномаларга муво-фиқ мамлакатимиз тиб-биёт соҳаси вакиллари Россиянинг ривожланган тиббиёт муассасаларида малака оширади, рос-сиялик етакчи мутахас-сислар Ўзбекистонда беморларни тиббий кў-риқдан ўтказиш ва даво-лаш ишларида қатнаша-ди ва ҳамкорликда бош-қа тадбирлар амалга оширилади.

Жамшид ҚҲЧҚОРОВ,
Ўзбекистон
Республикаси
Молия вазирлиги
биринчи
ўринбосари:

– Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Россия Федерациясига давлат таширифи даво-мида салмоқи жиҳатидан кенг қўламли битимлар ва шартномалар имзо-ланди. Ўзаро манфаатли сав-

до-иқтисодий ва инве-стициявий ҳамкорлик Ўз-бекистон Республикаси ва Россия Федерацияси муносабатларида муҳим ўрин тутди. Давлат раҳ-барлари икки томонлама савдо айланмасини, ав-вало, юқори даражада қайта ишланган замона-вий маҳсулотлар ва ик-кала томон учун фойда-ли бўлган бошқа товар-лар етказиб беришни кенгайтиришга келишиб олди.

Президентимиз Шав-кат Мирзиёев таширифи давомида эришилган келишувлар, имзоланган 50 дан ортиқ ҳужжат Ўзбекистон ва Россия тараққиётига, икки мам-лакат халқларининг фар-ровонлигини янада юк-салтиришга хизмат қилади.

Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти ва халқаро майдонда об-рўсини янада ошириш, янги иш ўринлари яра-тишда муҳим омил бўла-ди.

Махмуд МУРОТОВ,
Ўзбекистон
Республикаси
Маданият вазирлиги

– Президентимизнинг Россияга давлат таши-рифи давомида эришилган келишувлар самарасида икки мамлакатнинг ҳам-корлик алоқалари янги босқичга кўтарилди. Бу натижаларни маданий-гуманитар соҳада ҳам кўриш мумкин.

А. Пушкин номидаги давлат тасвирий санъат музейида ташкил этил-ган И. Савицкий номи-даги давлат санъат му-зейи фондидаги асар-ларнинг биринчи сайёр кўргазмаси бу борадаги ишларнинг амалий ифо-даси, десак бўлади.

Ўзбекистон Республи-каси ва Россия Федера-цияси ўртасида 2016-2018 йилларга мўлжал-ланган маданий-гуманитар соҳада ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги дас-тур ва Ўзбекистон Рес-публикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 19 октябрдаги "Олтин куз" халқаро санъат фестивалини ўтказиш тўғрисидаги мажлис ба-ёни ижроси юзасидан мамлакатимизда Россия кунлари бўлиб ўтди.

Тадбирларда Россия-нинг таниқли маданият ва санъат намояндалари иштирок этганини ало-ҳида таъкидлаш керак. Президентимизнинг давлат таширифи чоғида 2017 йил Россияда Ўзбекистон маданияти кунларини ўтказишга келишиб олинди.

Жорий йилда Ўзе-бекистон Республикаси билан Россия Федера-цияси ўртасида дипло-матик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йил-лиги муносабати билан концертлар, фото ва ба-дий кўргазмалар ҳамда бошқа маданий тадбир-лар ташкил этишга ало-ҳида эътибор қаратила-ди.

Бахтиёр САИДОВ,
"Ўзбекенилсаноат"
акциядорлик
жамияти раиси
ўринбосари:

– Бугун мамлакатим-изда енгил саноат соҳа-си жадал ривожланиб бормоқда. Бу давлати-миз раҳбарининг соҳага қаратаётган алоҳида эътибори самарасидир. Президентимиз деҳқон-ларимиз етиштирган пахтани юртимизда қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот сифатида дунё бозорига чиқариш го-ят муҳим аҳамиятга эга экан-лини алоҳида таъкидла-ган.

Бунинг учун мамлака-тимизда етарли шаро-итлар бор. Серкўёш за-минимизда етиштирил-ган пахта толаси ўзининг пишиқлиги ва юқори сифати билан ажралиб туради. Дунё бозорига Ўзбекистон пахта тола-сига талаб юқори. Бугунги кунда дунёнинг етакчи компаниялари билан бу борада ҳамкор-лик қилиб келинмоқда. Россия Федерацияси билан ҳам мазкур соҳа-да самарали келишув-ларга эришилди.

Президентимизнинг Москвага таширифи да-вомида соҳани янада рив-ожлантириш, янги техно-логияларни жорий этиш, мамлакатимиз-нинг экспорт салоҳияти-ни ошириш бўйича му-ҳим қадамлар қўйилди.

ЎЗА мухбири
А. ҲОЗОВ
ёзиб олди.

кўплиги боис бегона ўтларнинг авж олиши кузатишмоқда. Кўп йиллик тажрибаларга кўра, бегона ўт босган далаларда галла ҳосили ўртача 15-18 фоиз, базий ҳолларда 30-40 фоизга пасаяди. Шунинг учун гербицидларни қўллашдан ол-дин даладаги бегона ўтлар тури ва қалинлигини аниқлагандан сўнг рухсат этилган дорилар-дан фойдаланиш лозим.

Найчалаш даври ўтгандан сўнг поядаги охири байроқча барг қинидан бошоқ билан бирга ташқарига чиқа бошлай-ди ва шу пайтдан бошлаб ўсимлик бошоқлаш даврига ўтади. Одатда бу жараён эр-тапишар навларда 12-15 апрелга, ўртапишар навларда 20-22 апрелга, ўрта-кечпишар нав-ларда 25-27 апрелга тўғри ке-лади. Шуну эътиборга олиб, юқорида тавсия этилган агро-техник тадбирлар ўз вақтида бажарилса, мўл ҳосилга мус-таҳкам замин яратилади.

Рихсибей ТИЛЛАЕВ,
профессор,
Шухрат АБДУАЛИМОВ,
қишлоқ хўжалик фанлари
доктори,
Абдулло МАНСУРОВ,
докторант.

ГАЛЛА ПАРВАРИШИДА ДОЛЗАРБ ГАЛЛА

ҳисобида "Гумимакс" стимуля-тори ёки 1 килограмм "Крис-талон яра" ҳамда 3 литр "Бай-кал М" суспензияси сепилса, галла ривожини янада тезлаша-ди, барги қалинлашади ва бошоқлар бўлиқ шаклланади, деб таъкидлашмоқда.

Бундан ташқари, галланинг туپлаш жараёни давом этаёт-ган далаларда гектарига 6 литр, найчалаш жараёнида 9 литр ва сут-мум даврида 12 литр микродорида КАС ёки кар-бонид ўғитини бериш тавсия этилади. Бунда молибден, бўр ва мис каби микроэлементлар ҳамда бошқа ўстирувчи мод-

дахаллий стимулятор-лардан гектарига 12 миллилитр ҳисобида "Унум 10", 0,3 литр "Гу-мимакс", 0,2-0,3 литр "Узгуми", 40 милли-литр "Альбит" ва бош-қа шу тоифадаги сус-пензиялар ўртача 300 литр сувга аралаштириб сепилса, экиннинг ривожланиш даври 5-7 кунга тезлашади, ҳосилдор-лик 6-8 центнергача, дондаги клейковина ва оксил моддала-ри 1-2 фоизгача ортади. Шу-ниси муҳимки, бир гектар ерга 3-5 минг сўмлик маҳаллий сти-мулятор сарфланади, ҳолис,



хавфли сариқ ва кўнгир занг касалликларининг кенг тарқа-лишини ҳисобга олиб, уларга қарши курашиш учун қўшимча чора-тадбирларни кўриш за-рур. Жумладан, занг касаллик-ларига қарши бутун ҳудуд бўйлаб курашилмас экан, ку-тилган самара бўлмайди. Бешинчидан, бу йил ёғин

ТЎҚСОНБОСДИ ЭККАНЛАР РОҲАТИНИ КЎРАЯПТИ

Тасаввур қилинг, дастурхонингиздан кўкатлару помидор, бодринг, булғор қалампери кишин-ёзин аримаса. Қолаверса, янги узиб олинган витаминга бой бундай маҳсулотнинг ўзи хос таъми ва мазаси бор. Бунинг устига, вақтингиз ҳам, нақдингиз ҳам тежалади. Фақат озгина кунт қилсангиз, бас. Яна фойдали томони шундаки, томорқада ишлаб, фаол жисмоний ҳаракатда бўласиз, саломатлигингизни ҳам мустаҳкамлайсиз.

Интилиш

Этиборлиси, мамлакатимизда аҳолининг ҳаёт даражасини ошириш йўлидаги саноат ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда. Хусусан, томорқадан унумли фойдаланиш орқали оилаларнинг иқтисодий фаровонлигини таъминлаш бўйича кенг қўламада тарбиёт ишлари олиб борилмоқда.

Туманимиз аҳолиси ҳам ўз томорқасидан унумли фойдаланишга катта эътибор қаратмоқда. 2016 йилда тўқсонбосди усулида экин экиш бўйича тадбир ташкил этилиб, амалий семинарлар олиб борилган эди.

Хўш, бугунги кунда тўқсонбосди усулида экин эккан юртдошларимиз қандай даромад олдилар, "ғалвир сувадан кўтарилганда" қандай натижа кузатилади, деган саволимизга семинар ташкилотчиси Абдулбори Носиров шундай деди:

– Куз-киш мавсумида томорқада кўкат, резавор, карам каби маҳсулотларнинг етиштириш осон эмас. Бу янги усулдан фойдаланишга айримлар ботина олмади. Меҳнат ва янгиллик қилишдан чўчима, астойдил бел боғлаганлар эса, яхшигина даромад олди. Улар орасида қишда бекор ётадиган 3-4 сотих еридан ҳам даромад қилган, ҳам оиласи, ҳам кўни-кўшнисини иш билан таъминлаган юртдошларимиз бор. Ҳамма ишни яхши ният билан бошлаш керак. Ният хайрли бўлса, натижа ҳам шунга яраша бўлади.

Қишда тўқсонбосди экин экканлар, биринчи ҳосилни йиғиб олиб, иккинчи экинга, ҳаракатини бошлаб юбордилар. Излаганга имкон ҳаммаша топилади. Оқтепа қишлоғида яшовчи Дилмурод Холматовнинг оиласида 3 киши вақтин-

ча ишсиз эди. У ўтган йили тўқсонбосди усулини ўрганди. Декабрда плёнка остига рук-кола кўкати экди. Дилмурод шу йили февраль оида ундан 15 миллион сўмдан ортқ даромад қилди.

– Одатда қишда бекорчи вақтим кўп бўларди, – дейди у. – Семинарга қатнашиб, керакли маълумот олдим. Плёнка остига қишда экин экаётганимда бу ишнинг фойдаси йўқ, деганлар ҳам бўлди. Лекин, мен меҳнатдан қочмадим, мутахассислардан маслаҳат олиб, унга ишониб, ҳаракат қилдим. Мана ҳосил олиб, оиламиз даромади ортди. Кўни-кўшилари ҳам мавсумий иш билан таъминладим. Ҳозир коллежни битирган ўғлим, аёлим ҳам мен билан бирга ишлаяпти. Тушган даромад рўзгордан ортиб, қурилиш қилишга ҳам етди. Энг асосийси, ўз оиламга, фарзандларимга, жамиятга фойдам таъғатганидан хурсандман...

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бу борада тадбиркор Абдулбори Носиров ҳамда "Gold dried Fruits" агрофирмаси томонидан кўрсатиладиган барча хизматлар, ўқув семинарлари, маслаҳат ва тавсиялар бепул амалга оширилмоқда. Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, томорқада экин экиш рўзгорга барака киритиши билан бирга оилада соғлом муҳитни мустаҳкамлайди. Зеро, фарзандингиз билан бирга ишлаб, унда меҳнатга бўлган иштиёқни ҳосил қилиш, турғилиқ, ҳалоллик каби фазилатларни шахсий намуна билан кўрсатиш ҳар бир ота-онанинг бурчидир.

Шоира УМРЗОҚОВА,
Пискент тумани.

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига танлов ўтказилишини қайта эълон қилади!

Пискент тумани давлат нотариал
идорасида

Ангрен шаҳри 4-сон давлат нотариал
идорасида

Танловда катнашиш учун
қуйидаги ҳужжатлар тақдим
этилиши лозим:

1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусхаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;
5. Олий юридик маълумот тўғрисидаги дипломнинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
6. Талабгорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимида уч

йил мобайнида ишламаган талабгорлар эса малака имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма);

7. Охириги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака им-

тиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

Шу билан бирга, Тошкент вилоятининг давлат нотариал идораларидаги нотариус лавозимига ўтказиладиган танловда қатнашадиган талабгор Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий пропискага эга бўлиши талаб этилади.

Танловда иштирок этишни хоҳловчи фуқаролар 2017 йил 3 май кунига қадар Тошкент вилояти Адлия бошқармасига мурожаат этишлари лозим.

Манзил: Тошкент шаҳри, Ш. Руставели кўчаси,
93-уй. Телефонлар: (0-371) 280-51-04, 280-51-03.

"KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI" MЧЖ Тошкент минтакавий филиали бошлангич баҳоси босқичма-босқич охириги тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ангрен шаҳар СИБ томонидан, Тошкент вилояти Хўжалик судининг 2016 йил 7 ноябрдаги 16260/16-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Unifood agro" МЧЖга тегишли, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Янгибод кўрғонига жойлашган, умумий майдони 15300.0 кв.м. бўлган, "Совутгич" бино ва иншоотлари тақрибан қўйилмоқда. Бошлангич баҳоси – 334 909 375 сўм.

Аукцион савдоси 2017 йил 24 апрель кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризалар қабул қилишининг охириги мuddати 2017 йил 21 апрель кунини соат 18.00 гача.

Кўчмас мулк объекти билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Koc'hmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Тошкент минтакавий филиалининг "Ипак йўли банки" АИТБ Сағбон филиалидаги х/р: 20208000404920609021, МФО 01036, ИНН 207122519 х/р.га тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Тел: (0597) 774-35-53. www.1kms.uz. rieltasvdo@inbox.uz. Лицензия: RR-0001.

"KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI" MЧЖ Тошкент минтакавий филиали бошлангич баҳоси босқичма-босқич охириги тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Қибрай тумани СИБ томонидан, ФИБ Чирчиқ туманлараро судининг 2016 йил 22 сентябрдаги 17353-сонли ижро варақасига асосан, қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда:

Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Май ҚФЙ, Бўш телефонист кўчаси, 2-сонли нотураржой, янаша майдони 71,31 кв.м. бўлган бино қўйилмоқда. Бошлангич баҳоси – 50 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2017 йил 10 май кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризалар қабул қилишининг охириги мuddати 2017 йил 8 май кунини соат 18.00 гача.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Koc'hmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Тошкент минтакавий филиалининг "Ипак йўли банки" АИТБ Сағбон ф-даги 20208000404920609021, МФО 01036, ИНН 207122519 х/р.га тўлашлари шарт.

Аукцион ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 649-хона. Тел: 511-15-05. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001.

"KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI" MЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич охириги тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

"KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI" MЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич охириги тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига Қибрай тумани СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

I. Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Май ҚФЙ, "Туркистон" МФЙ, Олчазор кўчаси, 4-уй, 1-хонадонда жойлашган, умумий майдони 1185,0 кв.м. бўлган 1 қаватли тураржой қўйилмоқда. Бошлангич баҳоси – 55 114 000 сўм.

II. Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Май ҚФЙ, "Туркистон" МФЙ, Олчазор кўчасида жойлашган, умумий майдони 2400,0 кв.м. бўлган 1 қаватли нотураржой қўйилмоқда. Бошлангич баҳоси – 114 886 000 сўм.

Аукцион савдосига Суд департаменти томонидан, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 2015 йил 27 ноябрь кунги ҳукмига асосан берилган 42/15-сонли ижро варақасига асосан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

I. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Ҳасанбой ҚФЙ, "Саломатлик дала ховли" 27-29-уй манзилида жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 1200 кв.м., умумий майдони 244,76 кв.м., фойдали майдони 80,14 кв.м., янаша хонаси, қоровулхона, бостирма, ҳаммом, дахлиз, дарвозахона, ҳожатхонадан иборат, пойдевори – бетон, девори – гишт, эшик ва дераза ромлари – пластик, томи тунука бўлган 2 қаватли ертўлали дала ховли. Бошлангич баҳоси – 488 778 704 сўм.

2. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Қизғалдоқ ҚФЙ, Меҳмондўст 3-тор кўчаси, 1-уй манзилида жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 1430 кв.м., қурилма остидаги майдони 614,81 кв.м., умумий майдони 324,75 кв.м., фойдали майдони 155,82 кв.м.дан иборат, пойдевори – бетон, девори – гишт, томи – тунука бўлган бир қаватли ертўлали тураржой. Бошлангич баҳоси – 868 956 764 сўм.

3. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Қизғалдоқ ҚФЙ, Минг ўрик кўчаси, 3-уй манзилида

жойлашган ер участкасининг умумий майдони 848,51 кв.м., қурилма остидаги майдони 58,63 кв.м. молхона, 24,60 кв.м. бостирма, 706,88 кв.м. иссиқхона. Бошлангич баҳоси – 235 273 559 сўм.

4. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Қизғалдоқ ҚФЙ, Юкори минг ўрик 7-тор кўчаси, 16-уй манзилида жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 931,81 кв.м., қурилма остидаги майдони 26,80 кв.м., фойдали майдони 22,68 кв.м. бўлган, 1 та хонадан иборат бир қаватли тураржой. Бошлангич баҳоси – 50 764 444 сўм.

5. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Қизғалдоқ ҚФЙ, Равнак кўчаси, 13-уй манзилида жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 600 кв.м., қурилма остидаги майдони 36,80 кв.м., умумий майдони 19,04 кв.м., фойдали майдони 19,04 кв.м.дан иборат бир қаватли тураржой. Бошлангич баҳоси – 58 799 327 сўм.

6. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Қизғалдоқ ҚФЙ, Минг ўрик кўчаси, 1-уй манзилида жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 838,39 кв.м., қурилма остидаги майдони 40,92 кв.м., фойдали майдони 36,52 кв.м.дан иборат бир қаватли тураржой. Бошлангич баҳоси – 71 545 404 сўм.

7. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Қизғалдоқ ҚФЙ, Минг ўрик кўчаси, 7-уй манзилида жойлашган ер участкасининг умумий майдони 834

жойлашган ер участкасининг умумий майдони 415,0 кв.м., қурилма остидаги майдон 236,12 кв.м., умумий майдони 93,38 кв.м., фойдали майдони 76,33 кв.м. бўлган 6-уй қўйилмоқда. Бошлангич баҳоси – 127 889 192 сўм.

Аукцион савдолари 2017 йил 10 май кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризалар қабул қилишининг охириги мuddати 2017 йил 8 май кунини соат 18.00 гача.

Шунингдек, Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси суд ижрочиларининг Паркент тумани бўлими томонидан тақририй аукцион савдоларига чиқарилган, Тошкент вилояти, Паркент тумани, Бўстон ҚФЙ, Боғи шамол кўчасида жойлашган, Литер 0001 турар уй 3та янаша хонасидан иборат, янаша жой майдони – 44,71 кв.м., фойдаланиш майдони 86,04 кв.м., Литер 0002 ромли айвон, Литер 0003 омборхонадан иборат бўлган бино-иншоот қўйил-

моқда. Бошлангич баҳоси – 75 000 000 сўм.

Тақририй аукцион савдоси 2017 йил 24 апрель кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризалар қабул қилишининг охириги мuddати 2017 йил 20 апрель кунини соат 18.00 гача.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Koc'hmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг "Ипак йўли банки" АИТБ Сағбон ф-даги 20208000904920609114, МФО 01036, ИНН 207122519 х/р.га тўлашлари шарт.

Аукцион ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел./факс: 228-80-26. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001.

"Respublika mulk markazi" MЧЖ "Toshkent mintaqaviy filiali" бошлангич баҳоси босқичма-босқич охириги тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога ўрта Чирчиқ тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Жиноят ишлари бўйича ўрта Чирчиқ туманлараро судининг 2016 йил 14 июлдаги ижро варақасига асосан хатланган, Қорасув ҚФЙда сақланаётган "ГБА СПГ Ваз-21061" русумли, давлат рақами 104743КА бўлган, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, автотранспорт воситаси тақрибан қўйилмоқда. Бошлангич баҳоси – 5 427 596 сўм 30 тийин.

Аукцион савдоси 2017 йил 24 апрель кунини соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризалар қабул қилишининг охириги мuddати 2017 йил 21 апрель кунини соат 18.00 гача. Автотранспорт воситаси билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закалат келишувига асосан мулк бошлангич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Respublika mulk markazi" МЧЖ "Toshkent mintaqaviy filiali"нинг АИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги х/р: 20210000300571452142, МФО 01036, ИНН 200933850га тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома, чет эл юридик ва жисмоний шахслари қўшимча равишда сўмдаги маблағларининг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумотлар тақдим этилади.

Аризалар қабул қилиш ва савдолар ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 19-уй. Телефонлар: 233-49-31, 233-28-52. www.rmm.uz. Гувоҳнома № 001805.

"REALTOR GARANT BUSINESS" MЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич охириги тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

2017 йил 12 май кунини соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти томонидан Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 27.11.2015 йилдаги ҳукмига асосан берилган 42-15-сонли ижро варақасига асосан хатланган: 1. Тошкент вилояти, Келес шаҳри, Келес мавзеси, 24-уй, 9-хонадон манзилида жойлашган умумий майдони 85,38 кв.м. бўлган 4 қаватли тураржой биносининг 1-қавати. Бошлангич баҳоси – 123 166 947 сўм. 2. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Ҳасанбой ҚФЙ манзилида жойлашган умумий майдони 550 кв.м. бўлган 1 қаватли дала ховли. Бошлангич баҳоси – 68 987 259 сўм. 3. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Қизғалдоқ ҚФЙ, Минг ўрик кўчаси, 5-уй манзилида жойлашган умумий майдони 801,98 кв.м. бўлган иссиқхона бино-иншоотлари. Бошлангич баҳоси – 220 701 253 сўм. 4. Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 16.10.2015 йилдаги ЖХС-183/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Думалок ҚФЙ манзилида жойлашган умумий майдони 0,2584 га бўлган чойхона биноси. Бошлангич баҳоси – 83 779 103 сўм. 5. Тошкент вилояти, Чиноз тумани СИБ томонидан, Тошкент вилояти Хўжалик судининг 06.03.2017 йилдаги 11-1607/24462-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Янги Чиноз кўрғони манзилида жойлашган умумий ер майдони 0,16 га бўлган қурилиш моллари савдо дўкони ва омборхонаси. Бошлангич баҳоси – 50 000 000 сўм миқдориди қўйилмоқда.

Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида бўлиб ўтади. Юридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳар кунини (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 30 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖнинг АИКБ "Ипак йўли банки" Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000604936050001, МФО 001101, ИНН 207125885. Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк кунини мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: (8371) 233-09-38. www.rgbusiness.uz. Лицензия: RR-0052.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 8 апрель кунини Тошкент вилоятларида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секунди-га 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 0-5, кундузи 15-20 даража илқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Қор қўчиши хавфи бор. Шарқдан секунди-га 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 0-5 даража совуқ, кундузи 2-7 даража илқ бўлади.

"AUTO GARANT BUSINESS" MЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич охириги тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига:

I. Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан:

1. 16.01.2017 йилдаги 5-сонли ижро ҳужжатида асосан: Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, 1-сонли ИИБ манзилида сақланаётган, бошлангич баҳоси – 18 647 000 сўм, 1988 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10W963FA бўлган, "ЗИЛ 431412ТСВ" русумли;

2. 17.06.2016 йилдаги 6123-сонли ижро ҳужжатида асосан: "Давронбек" МЧЖда сақланаётган, бошлангич баҳоси – 21 517 000 сўм, 1976 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 496 FAA бўлган, "МАЗ 504" русумли юк тортувчи автотранспорт воситаси ва 1989 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 0714 AA бўлган, "МАЗ 9380" русумли ярим тркама;

3. 17.06.2016 йилдаги 6123-сонли ижро ҳужжатида асосан: "Давронбек" МЧЖда сақланаётган, бошлангич баҳоси – 23 823 000 сўм, 1971 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 511 UAA бўлган, "МАЗ 504" русумли юк тортувчи автотранспорт воситаси ва 1990 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 0245 AA бўлган, "ППС 14МТП8" русумли ярим тркама тақрибан савдога қўйилмоқда.



Замонлар оша Сохибқироннинг таржimai ҳолига, ҳукмдорлик, бунёдкорлик ва саркардалиқ фаолиятига қизиқиш ортса ортмоқдаки, асло қамайган эмас. Хозиргача Амир Темур ҳақида Европада 500 дан ортиқ илмий асарлар яратилганлиги маълум. Фаолияти даврида бутун Турон ўлкасини бирлаштирган зот эндиликда илму ижод ахлини "аққалам" қилиб келаётди. Зотан, инглиз драматурги Кристофер Марло, италиялик олимпиа Магда Педаче, машҳур немис композитори Георг Генделни учраштирган макон – Амир Темур шахсидир.

Сохибқирон тимсолининг Фарбда

ЮЛДУЗЛАР ТЎҚНАШГАН ТУН

куч-қудратли, имон-этиқодли, меҳроқибатли ва юксак маданиятли буюк шахс сифатида ижобий таълиқ қилиниши, нафақат буюк саркарда, адолатли ҳукмдор, балки оддий инсон сифатидаги ўй-кечинмаларини англашга уринишлар, айниқса, диққатга сазовор. Хусусан, Эдгар По қаламига мансуб "Темирбек" достонида энгилмас инсоннинг қалбини кўргандек, изтиробу мағлубиятлар алами унинг ҳам вужудини куйдирганини ҳис этгандек бўламан.

Яратган сийлаган, суйган банданинг ўз-ўзини тафтиш қилмаслиги, мудом зиддиятлар ичида бўлмаслиги душвор. Йўқса, бир замонлар золим подшо тамғаси босилган Амир Темурнинг "Халқ қуфрга чидаши мумкин, зулмга тоқат қилолмайди", "Ғаним томонидан қўлимизга ҳар қандай сиёсий асир бўлиб тушса, уни ўлдирмасинлар. Унга ихтиёр берилсин. Агар наварлиқни қабул қилса, навар бўлсин; йўқ деса, уни озод этсинлар" ёки "Ҳар қандай одам менинг адолат девонимдан паноҳ топан экан, гуноҳи бўлса ҳам, уни кечирсинлар. Иккинчи, учинчи марта яна гуноҳ ўйлига кирса, у ҳолда гуноҳига яраша жазолансинлар" каби тузуқларига ўзи амал қилмаслиги амри маҳол.

"Биласизми, мени ҳаммадан кўра нима кўпроқ ҳайратга солади, – деган экан бир дошманд, – Зўра-

Бошлониши 1-бетда.

вонлик куч-қудратининг яратувчиликка қодир эмаслиги! Дунёда фақат икки ҳоким бор – қилич ва ақл-идрок. Охир-оқибатда ҳар доим ақл-идрок қилич устидан ғалаба қозонади. Амир Темурнинг ақли-заковати қилич устидан ҳукмрон бўлмаганида, дунёнинг 27 мамлакатини мусҳарх этолмас, мингдан ортиқ жангларда зафар кучолмас эди.

Олти юз саксон йилдан ошибдики, Амир Темур номи тарих саҳнасида тушгани йўқ, тушмайди ҳам. Унинг дунёга келиб, дунёга тортиқ этганлари, қолдирган мислсиз мероси унинг номини мангуликка қадаб қўйган. Илм-фан, санъат-маданият, ҳарб, дин-шариат, меъморлик-бунёдкорлик ишларидан неча-неча авлодлар фахр-ифтихор этиб келмоқда. Дилларида Сохибқиронга ҳавас ва чуқур ихлос қўйганлари ҳам чин.

Мамлакат раҳбарлари, сиёсатдонларнинг иш столида ҳамisha давлат тузилиши ва салтанат юритишга доир асарлар турган. Шундай нодир асарлардан бири, шубҳасиз, "Темур тузуқлари" дир. Бу тарихий китобдан

мутаассир бўлмаган, фаолияти мобайнида тузуқлардан ибрат олмаган раҳбар кам. Замон ва макон чегарасини билмай, бизнинг давримизга ҳам ўз аҳамияти ва ўрнини йўқотмай келаётгани, турмушимизда рўй бераётган воқеалиқларга ҳануз мос тушаётгани асарнинг таъсир кучини янада оширади.

Тараққиётимизнинг ўзбек моделида ҳам, беш йилга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида ҳам "Тузуқлар"даги айрим жиҳатлар ўз аксини топан. Бутун дунёда тан олинган "Ўзбек модели"даги давлатнинг бош ислохотчи бўлиши, қонун устуворлиги, кучли ижтимоий сиёсат юритиш тамойиллари Амир Темурнинг "Қаерда қонун устувор бўлса, шу ерда эркинлик бўлади", "Гуноҳкорга ҳам, бегуноҳга ҳам раҳм-шафқат билан, ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқардим. Фуқаро ва қўл остидагиларга раҳмдиллик қилдим. Золимдан мазлумнинг ҳаққини олдим. Золим етказган моддий ва жисмоний зарарларни исботлаганимдан кейин уни шариатга мувофиқ иккиси ўртасида муҳокама қилдим ва бир гуноҳкорнинг ўрнига бошқасига жабр-зулм етказмадим" сингари тузуқларига монанд келади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш,

ижтимоий соҳани ривожлантириш, ҳавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлиқни мустаҳкамлаш каби кўплаб эзгу мақсадлар белгиланган. Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилдан кўзланган мақсад ҳам давлатчилигимизни мустаҳкамлаш, аҳоли фаровонлигини янада оширишдир.

Сохибқироннинг "Тузуқлар"идан дину шариат, паноҳ истаб келганлар ҳақидаги тузуқ, мулку мамлакат, сиёҳу раият аҳолидан хабардор ва оғоҳ бўлиб туриш, раиятдан мол-хирож олиш, мамлакатни тартибга келтириш ва юксалтириш, унинг ободончилиги, ҳавфсизлигини амалга ошириш масалалари ҳам ўрин олган.

Темурийлар даврида ҳар бир шаҳарда "дорул омонат", яъни "ҳукмат уйи", "дорул адолат" – қозиҳоналар мавжуд бўлган. Ҳар шаҳар ва вилоятда қози-судьялар ва муфтийлар аризачиларни қабул қилиб, суд ишларини олиб борган. Бугунги кунда мамлакатимизнинг турли чеккаларида халқ билан мулоқот қилиб, унинг дард-у қувончидан бохабар бўлиш мақсадида ташкил этилган муассасалар "Халқ қабулхоналари" номини олди.

Кўринадики, Сохибқирон ворислари унинг изидан бормоқдалар. Мамлакатни идора этишда адолат, бағрикенглик ва ҳаққонийликка амал қилишни фаолиятининг бош аъмоли, деб билган раҳбар, албатта, "Тузуқлар"га мурожаат қилади. Зеро, аждодларни эъзозлаш нафақат улар билан гурурланиш, балки уларнинг ишларини муносиб, сидқиқидилдан давом эттиришда зоҳир бўлади.

Севара АЛИЖОНОВА,
ЎЗА мухбири.

Сохибқирон Ўғатлари

Адлу инсоф билан ҳақон гулшани обод бўлур.

Бировдан ёмонлик ахтарма, айтсалар ишонма.

Бирликсиз – куч бўлмас.

Ақли расо ва хушёр кишилардан кенгашу тadbир сўраб, фикрини бил.

Кимки хузуригга илтижо қилиб келса, дўстларга шундай муомалада бўлгинки, дўстлиги ортсин. Душманга эса шундай муомала қилгинки, душманлиги дўстликка айлانسин.

Яхшини ёмон кунда имтиҳон қил.

Давлату сиёсат ишида лаёқати бўлмаган киши зулму ситамга барҳам беришга ожиздир.

Раият аҳолидан оғоҳ бўл. Улуғларини ота ўрнида, кичикларини фарзанд ўрнида кўр.

Муҳаббат ШОҶУСУПОВА
тайёрлади.

Бизнинг шарҳ

Истиқлолнинг илк кунидан бошлаб юртимизда инсонпарварлик давлат сиёсатининг устувор вазифаси сифатида белгиланди. "Ислохот ислохот учун эмас, аввало инсон манфаатлари учун" эзгу ғоясига ҳамроҳанг тарзда жорий йил "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" дея эълон қилиниб, ҳар қачонгидан кўпроқ эзгу ишлар амалга оширилаяпти. Жойларда Халқ қабулхоналари ташкил қилинаяпти. Республика банклари қишлоқ аҳолиси турмушини янада яхшилаш учун турли имтиёзли кредитлар бераётди. Тадбиркорлик фаолияти ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланаяпти.

Хўш, биз бу имкониятлардан қай даражада фойдаланаямиз? Юртимиз равнақи, маҳаллаи ободлиги, оиламиз фаровонлигига қандай ҳисса қўшяпмиз? Афсуски, давлатиш миз кўрсатаётган ғамхўрликларга қўл силтаб, "Узоқнинг донидан яқиннинг сомони яхши" деган мақолни унутиб, ширин ҳаёлларга эргашиб, ўзга юртларда аччиқ қисматга дучор бўлаётган юртдошларимиз ҳамон учраб турибди. Айнан шундай энгил ўйловчи кишилар сабаб одам савдосидек шармандали иллат йил сайин

қулоч ёйиб бормоқда.

Маълумотларга кўра, жаҳонда одам савдоси бугунги кунда гиёҳхандлик воситалари ва қурол-яроғ савдосидан кейин учинчи ўринни эгаллаган. Мазкур жиноят натижасида дунё бўйича қўрилаган йиллик даромад 7 млрд. АҚШ долларига етмоқда.

УЗОҚНИНГ ДОНИДАН ЯҚИННИНГ СОМОНИ...

"Deutsche Welle" нашрида қайд этилишича, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг гиёҳханд моддалар ва жиноятчи-

лик бўйича Бошқарманининг ҳисоботи-га кўра, ўтган йили халқаро одам савдоси қурбонларининг 51 фоизи аёллар ва шу кўрсаткичнинг 20 фоизи воёга етмаган қизлар бўлган. Агар, 18 ёшга тўлмаганлар бола аталлишини ҳисобга олсак, одам савдоси қурбонига айланётган авлод фожиясини янада аниқроқ ҳис этамиз. Умуман, дунёда одам савдосидан жабр кўрганлар салкам 200 миллионга етган. БМТ маълумотларига кўра, ҳар йили ўртача 2,5-3

миллион киши мазкур жиноят қурбонига айланмоқда. Уларнинг 1 миллионга яқини аёллар ва болалардир.

Одамлардан шахвоний мақсадларда, мажбурли меҳнат, болаларни эксплуатация қилиш, "уй қуллиги", суррогат оналикда фойдаланиш, тиланчиликка, қуролли тўқнашувлар-

га мажбурлаш ушбу жиноятнинг турли қўрғинишларидир. Одам савдоси ҳудуд ва чегара танламаслигини ҳисобга

"Одам савдоси – куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд бошқа мажбурлаш шаклларида фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун уни тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш орқали одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш".

Ўзбекистон Республикасининг "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунидан.

олиб, давлатимиз 2003 йил 12 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси 1950 йилда қабул қилган "Одам савдоси ва фохизаликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида"ги Конвенцияга қўшилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг 2008

йилнинг 17 апрелидаги "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни ва 2008 йил 8 июлдаги "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент Қарори бу борадаги миллий қонунчилик асосларини яратди. Шунингдек, 2008 йил 8 июлда

Ўзбекистон Республикасининг "Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини (Нью-Йорк, 2000 йил 15 ноябрь) тўлдирувчи одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга

чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги протоколни ратификация қилиш тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди. Давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда нодавлат нотижора ташкилотларининг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Одам савдосига

қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси тузилди ва ҳозирги кунда мазкур иллатнинг олдини олиш, аниқлаш ва чек қўйиш ҳамда жабрланганларга ёрдам кўрсатишга қаратилган бир қатор ташкилий ва профилактик тадбирлар ўтказиб келяпти.

Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган чора-тадбирларга қарамай, ҳар йили одам савдосидан азият чекаётган миллионлаб инсонлар орасида, афсуски, бизнинг юртдошларимиз ҳам учраб турибди. Ҳолбуки, бугун мазкур жиноятнинг аянчи оқибатлари ҳақида юртимизда таъсирчан бадиий фильмлар яратилди, оммавий ахборот воситаларида тинимсиз чиқишлар қилинмоқда. Кўчаларда оғохликка чақирувчи махсус баннерлар ўрнатилган. Таълим масканларида, маҳаллаларда айнан шу мавзуда суҳбатлар, учрашувлар мунтазам ўтказилаяпти. Аммо, одам савдосини бартараф этиш, аввало, ҳар бир фуқаронинг ўзига боғлиқдир.

Халқимизда "Ўзга юртда шоҳ бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл", деган ғап бор. Хуллас, жаннатий ҳаёт излаб, дўзах азоби тушишни истамган киши юртимиздаги мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, хотирам ва фаровон умргузаронлик қилиши шубҳасиз.

Шоира БОЗОРОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида бокс оламидаги нуфузли халқаро мусобақа – "Қиrol кубоги – 2017" турнирида финалга йўлланма олган энг кучли чарм қўлқоп усталари аниқланди.

Ўзбекистон терма жамоаси сафида иштирок этаётган бўстонлик боксчи Элнур Абдураимов ҳам олтин медаль учун рингга чиқади-ган бўлди. Вилотимиз вакили 64 килограмм вазн тоифасидаги жангларда туркманистонлик Зуфар Сапарбоев ва хиндистонлик Рохит Токас қаршилигини синдирди.

– Бу юқори категорияли турнир бўлгани учун иштирокчи мамлакатлар энг кучли боксчиларини олиб келган, – дейди Элнур. – Финалгача бўлган жангларда ўзбек боксчилари катта устунлик билан ғалаба қозонаётган бўлса-да, рақибларнинг ҳам тажрибаси юқори эканини эътироф этиш лозим. Финалда таиландлик Вуттичаи Масук билан куч синашаман. Албатта, ҳал қилувчи баҳсда мезбонлар вакилига қарши жанг қилиш бир оз мураккаб. Лекин мен устозларим ва мухлислар ишончини оқ-

лашга ҳаракат қиламан.

Ийгирмага яқин мамлакат боксчилари иштирок этаётган "Қиrol кубоги – 2017" мусобақасида яна уч нафар ҳамюртимиз олтин медаль учун курашади. Ўз вазн тоифасида барча рақибларини мағлуб этиб келаётган Олимпия чемпиони Ҳасанбой Дўсмаев турнирдаги сўнгги учрашувини хиндистонлик Шиям Кумар Какарага



қарши ўтказди. Шаҳрам Ғиёсов қозогистонлик Садриддин Аҳмедов билан рақобатга киришди. Финалнинг кескин ва муросасиз баҳсларидан бири дунёдаги энг кучли бокс мактаблари вакиллари – ҳамюртимиз Исроил Мадримов ва кубалик Ослей Иглесиас Эстрада ўртасида бўлади.

Ушбу халқаро турнирда ярим финалгача етиб келган уч нафар боксчимиз – Жасурбек Латипов, Шаҳобиддин Зоиров, Муроджон Аҳмадалиев бронза медаль билан қифояланди. "Қиrol кубоги – 2017" халқаро турнири Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари учун шу йилнинг 30 апрель – 7 май кунлари Тошкент шаҳри мезбонлик қиладиган бокс бўйича катталар ўртасидаги Осиё чемпионатида тайёргарлик боксчи вазифасини ўтамоқда.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Бу йил Паркент туманидаги 5-умумтаълим мактабининг 1-синф ўқувчиси, ёш шахматчи Мирас Алтинбеков ҳаётида унутилмас воқеалар кўп бўлмоқда. У айни пайтда шахмат бўйича 8-18 ёшгача ўғил-қизлар ўртасидаги Осиё чемпионатида қатнашяпти. Бу унинг халқаро мусобақалардаги илк қадами.

ШАХМАТЧИЛАРИМИЗ ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ГОЛИБИ

Пойтахтимиз мезбонлик қилаётган кўта чемпионатида ўн саккиз мамлакатдан тўрт юзга яқин шахматчи баҳслашмоқда.

Осиё чемпионати рапид мусобақалари билан бошланди. Швейцарча тизимда етти турдан иборат баҳсларда мамлакатимиз шахматчилари 3 олтин, 4 кумуш ва 3 бронза медални кўлга киритди.

Рапид мусобақаларида Ортиқ Нейматов етти партиядан олти очко тўплаб, Осиё чемпионатининг олтин медалига сазовор бўлди. Қизлар баҳсида Гулрухбегим Тоҳиржонова етти партиядан бештасида ғалаба қозонди. Иккитасида дуранг натижа қайд қилиб, қитъада тенгсиз эканлигини исботлади.



Шунингдек, ўн олти ёшгача ўғил болалар ўртасидаги баҳсларда етти имкониятдан олти очко жамғарган Шамсиддин Воҳидов биринчи ўринга муносиб топилди.

Афрўза Ҳамдамова, Шаҳромбек Каримов, Ақобирхон Сайдалиев, Нилуфар Ёқубоева эса ўз ёшлари тоифасида кумуш медални кўлга киритди. Хумоюн Синдорнинг бештасида ғалаба қозонди. Иккитасида дуранг натижа қайд қилиб, қитъада тенгсиз эканлигини исботлади.

Шоира АНВАРОВА.

Юрган – дарё

ЭЗГУЛИК ЭХТИЁЖИ

Она табиат қўйнига саёҳат, тарихий маданий ёдгорликлар, қадамжолар зиёрати инсонни руҳан поклаб, маънан юксалтириши айни ҳақиқат. Яқинда вилот халқ таълими, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Зағиота тумани кенгаши ташаббуси билан Самарқанд шаҳрига уюштирилган саёҳат иштирокчилари – халқ таълими ходимларининг таассуротларини тинглар эканмиз, шундай фикр ҳаёдан ўтди.

– Самарқандга бориш, аждодларимиз ҳоқипойини зиёрат қилишни анчадан бери орзулаб юрдим, – дейди тумандаги 36-умумтаълим мактаби ўқувчиси Маълүра Холтеева. – Айниқса, манзилга "бир зум" да етказиб қўядиган "Афросиёб" тезюрар поездни ўз кўзим билан кўриш ниятида эдим. Яхшиликнинг кечи йўқ, дейишди-ку. Мана, эзгу орзу ҳам ушaldi. Ассийси, Биринчи Президентимизнинг муборак қабрларини зиёрат қилдик. – Самарқандни янгидан кашф қилгандекман, – дейди 1-умумтаълим мактаби ўқувчиси Диёра Халилова. – Истиқлол йилларидаги бекиёс ўзгаришлар, бунёдкорлик ишлари ҳайратимни оширди. Ҳадис илмининг асосчиси Имом ал-Бухорий, Амир Темур, Хўжа Дониёр, Ҳазрати Хизр мақбаралари, Мирзо Улуғбек расадхонаси, Бибиҳоним жоме масжиди, Регистон мажмуаси каби кўплаб табарруқ қадамжоларининг улғуворлиги қалбини чуқур ҳаяжонга солди.

Сайёра ЭШМАТОВА.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги	Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ғайрат ШЕРАЛИЕВ	Маъзиллими: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. Электрон почта: thaqiqat@umail.uz	Телефонлар: 233-58-85 (факс) 233-70-10 233-79-96 233-38-23, 233-48-08 233-81-21, 233-65-59 233-54-10	Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.	Навбатчи муҳаррир Бехзод ҚОБУЛОВ Назоратчи мусоҳҳиҳ Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДУХҶАЕВ	Хафтаннинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-8701. Адади 13 405. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.
--	--	---	---	--	---	--